

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад



11:00 / 06.06.2021 1558

Имом, фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Матта Самарқандий Иштихоний Шофеъий.

Иштихон – Самарқанддан етти фарсах узоқликда жойлашган катта қишлоқ.

319 йилда «Саҳиҳи Бухорий»ни Фарабридан эшитганлар.

Бу кишидан Абу Саъд Идрисий, Али ибн Сихтом Самарқандий, фақиҳ Абу Наср Довудий ҳадис ривоят қилганлар. Иштихоний обид ва зоҳид бўлиш билан бирга, машҳур фақиҳлардан ҳам эдилар.

Абу Комил Басрий айтадилар: «Фақиҳ Абу Наср Довудийнинг: «Иштихонда Ибн Маттанинг ҳузурларига кирдим. Мендан: «Сен «Жомеъ ал-Бухорий»ни эшитганмисан?» – деб сўрадилар. Мен: «Ҳа, эшитганман», – дедим. «Кимдан?» – деб сўрадилар. «Исмоил Ҳожибийдан», – дедим. У киши: «Уни мендан эшит. Мен бу борада пишиқроқман. Мен фикҳни ўрганганман. У китобни эшитганимда ёшим катта эди, Исмоил эса ёш бола эди. Уни кўтариб юришарди. Юришга ўрганмаганди. Мен билан унинг эшитиши баробар бўлармиди?!» – дедилар. Мен уни Ибн Маттадан тингладим», – деганларини эшитдим».

Идрисий «Тарихи Самарқанд» китобларида айтадилар: «Иштихоний фақиҳ, зоҳид бўлиб, 338 йил ражаб ойида вафот этганлар».

Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Одам Шоший у кишининг шайхларидан.
Мен билмаган яна бошқа шайхлари ҳам бор.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан